



БОСҚИЧИ ЛАРИ АНИҚЛАНДИ

йўналиши бўйича Маржона Меҳридино ва, “Маданият” йўналиши бўйича Ширин Ишбекова, “Таълим” йўналиши бўйича Шаҳризода Ҳақимова, “Фан” йўналиши бўйича Ирода Жонтемирова, “Спорт” йўналиши бўйича Наргиза Азимова ҳамда “Жамоатчилик” йўналиши бўйича Лазиза Умаровалар танловнинг вилоят босқичида иштирок этадилар.

Малика ЮСУПОВА.

ХИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақа, шунингдек, белгиланган энг кам ёшга доир пенсиянинг миқдоридан кам пенсия олувчи ҳар бир пенсия олувчига бериладиган ҳар ойлик компенсация пули 50 минг сўм қилиб белгиланди.

Шунингдек, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб 14 ёшгача бўлган болалари учун тайинланган нафақани олувчи оилаларга ҳамда белгиланган энг кам ёшга доир пенсия миқдоридан кам пенсия олувчиларга ҳам 50 минг сўм миқдоридан кам пенсия олувчи ҳар ойлик пул компенсацияси жорий этилади ва уларнинг нафақа ва пенсиялари миқдори 50 минг сўмга кўпаяди.

Пул компенсацияси пенсия ва нафақалар тўланиши учун масъул бўлган органлар томонидан ҳисобланади ва қайд этилган пенсия ҳамда нафақалар билан бир вақтда тўланади.

Ушбу қарор юзасидан саволларингиз бўлса (66) 455-00-33 га мурожаат қилишингиз мумкин.

Шерзод ГАПАРОВ,
БТПЖ бўлим бошлиғи ўринбосари.

КАТТАҚҮРҒОНЛИК ОСИЁ ЧЕМПИОНИ



Шаҳримиздаги 2-умумтаълим мактаби 9 "А"- синф ўқувчиси Муҳаммадбобур Неъматуллаев яқинда армрестлинг бўйича 14-15 ёшлар ўртасида 50-80 кг. вазн бўйича Қозоғистонда бўлиб ўтган Осие кубогидида қатнашиб, фахрли 1-ўринни қўлга киритди.



Муҳаммадбобур 12 ёшидан бошлаб спортнинг армрестлинг тури билан шуғулланиб келади.

— Шу йилнинг 3-7 октябрь кунлари Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Осие кубогидида қатнашиб бахтига муяссар бўлганимда елкамда катта масъулият борлигини тушундим. У ерда юртим шаънини ҳимоя қилишим керак эди. Менга мусобақада ғолибликни қўлга киритишимга ҳам ана шу масъулият, Ватан олдидаги бурч, қолаверса, ортимда қўллаб турган дўстларим, яқинларим катта далда бўлди. Мен шу нарсага амин бўлдимки, албатта, инсон олдида қўйган мақсадга эришиш учун ҳаракат қилиши керак экан, - дейди Муҳаммадбобур биз билан суҳбатда.

Муҳаммадбобур таҳсил олаётган мактабга бориб унинг синфдошлари билан

яқиндан танишиш асносида ушбу 9 "А"-синфда яна қўллаб спорт иштиёқмандлари борлигининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, синф ўқувчиларидан Исмоил Каримжонов ҳам жорий йилда Армрестлинг бўйича Республика чемпионатида 1-ўринни қўлга киритган экан. Шунингдек, Рухшона ва Муқаддас энгил атлетика, Дилдора каратэ, Оламгир, Жавоҳир ва Файзулло футбол, Ҳақимбек эса бокс билан шуғулланиб вилоят ва республика мусобақаларида ғолибликни қўлга киритганлар. Бир сўз билан айтганда синфни спортчилар синфи деса ҳам бўлар экан.

Биз келгусида албатта шаҳримиз ёшларини жаҳон чемпионатларида ҳам иштирок этишларини ва янада қўллаб ютуқларни қўлга киритишларини кутиб қоламиз.

ДИЛРОЗ.